МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ШАНБА

2014 йил 15 февраль,
№15 (982)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

## Билим, малака ва тажриба мактаби

***Президентимизнинг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори маҳаллалар фаолиятини янада такомиллаштириш, фаолларнинг касбий ва бошқарув соҳасига оид билимларини оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.***

**Санобар БОЙМУРОДОВА**
**«Mahalla»**

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилоятида ҳам қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят ҳокимлиги ҳузурида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-курслари ташкил этилиб, унинг низоми ва иш режаси ишлаб чиқилди.

Машғулотлар учун вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтидан учта аудитория, мажлислар зали ва маъмурий хоналар ажратилиб, мебель жиҳозлари ҳамда техника воситалари, зарур адабиётлар билан таъминланди. Шунингдек, хоналар маҳалла ҳаётини акс эттирувчи фотолавҳалар, фуқаролар йиғинлари фаолиятига доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан жиҳозланди. Жараён билан боғлиқ барча ҳужжатлар, сертификат намуналари тайёрланди. Дарс жадвали ишлаб чиқилиб, ҳар бир гуруҳга 36 соатдан ўқув-дастурлари шакллантирилди.



С.НАРЗИЕВ олган сурат.

> [2]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

## Фаолият мувофиқлигида услубий ва амалий кўмак

***Пойтахтимиздаги мавжуд 475 та маҳаллада меҳнат қилаётган фаоллар ўзларининг бой тажрибалари, изланиш ва имкониятларига таяниб, йиғинлар фаолиятини янада такомиллаштиришда истиқболли ғоя ва лойиҳаларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилишини бирдай қўллаб-қувватлайдилар.***

**Толибжон НИЗОМОВ**
**«Mahalla»**

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ташкил этилган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика ҳамда ҳудудий кенгашлари юртимизда кучли фуқаролик жамияти шаклланаётган бир жараёнда маҳаллаларнинг ўрни ва мавқеини янада оширади. Яқинда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар кенгаши таркиби ҳамда унинг низоми ишлаб чиқилди.

— Ушбу кенгаш ҳудуддаги фуқаролар йиғинлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш, улар фаолиятидаги муаммоларни ўрганиб, ҳал қилиш юзасидан асосланган таклиф ва механизмлар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси ўринбосари, Кенгаш масъул котиби Аҳрор Ғуломов. — Кенгашнинг ишчи органи томонидан йиғилишларда маҳаллалар фаолиятига доир муаммоларни ҳал этиш билан бирга, уларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ҳам муайян ишлар бажарилмоқда.

> [2]

БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА

## Барча бир-бирига меҳрибон, қардош

***Гурлан — Хоразмнинг шимолий туманларидан бири. Ундаги қишлоқларнинг ўзига хос жиҳатлари бисёр. Тумандаги аксарият қишлоқларда турли миллат вакиллари дўст-иноқликда яшайди. Ана шундай масканлардан бири Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғинидир.***

**Эрпўлат БАХТ.**

Мазкур қишлоқда 7057 нафар аҳоли яшайди.

— Қишлоғимизда ўн уч миллат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилади, — дейди фуқаролар йиғини раиси Рустам Дўсимов. — Ҳар бир миллат вакили ўз урф-одатларига эмин-эркин амал қилади, ўзига хос тўй-маъракаларини ўтказади.

> [3]

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

## Ижтимоий-маънавий муҳит соғлом ва барқарор

***Сирдарё вилоятидаги фуқаролар йиғинларида 207 нафар «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори, 1270 нафардан зиёд посбон фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан ўтган йил давомида 3120 дан ортиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.***

**Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ**
**«Mahalla»**

«Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси ишининг намунали ташкил этилгани сабабли вилоятдаги мавжуд 277 та фуқаролар йиғинидан 116 тасида ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик кузатилмади. Ховос туманидаги «Чаманзор» маҳалла фуқаролар йиғини шулар жумласидан.

Мазкур туман қўшни давлат билан чегара ҳудуди яқинида жойлашган. Бу эса республикамиздаги товар-моддий бойликларни мамлакатимиз ҳудудидан олиб чиқиб кетиш, айланма йўллар орқали контрабанда, наркотик моддалар кириб келишининг олдини олишда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари ва профилактика инспекторлари зиммасига янада катта масъулият юклайди. «Чаманзор» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори Қувондиқ Эвалиев буни жуда яхши англайди.

> [3]

ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ

## Вазифалар ижроси сарҳисоби

***«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлимларида «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда Фонд иш режаси ижросининг 2013 йил фаолияти якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишлар бўлиб ўтди.***



Бухоро вилоятида ўтган бошқарув йиғилишида Фонд бўлими томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларга услубий ва амалий ёрдамлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилгани айтиб ўтилди.

Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва бошқа йўналишларда йил давомида жами 5 мингдан ортиқ учрашув, давра суҳбатлари ўтказилиб, уларга 206 минг нафарга яқин аҳоли, шундан 128 минг нафар ёш жалб этилган.

> [2]

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

## Қонун устуворлиги — асосий мезон

***Қонунлар фуқаролар манфаати, давлат ва жамият келажаги, авлодлар истиқболи учун хизмат қилади. Давр руҳи, тараққиёт нафаси кишилар онгу тафаккурини ўзгартирганидек, қабул қилинган қонунларда ҳам вақт ўтиб, жиддий ўзгартиришларга эҳтиёж ортаверади.***

**Баҳодир КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори.**

Бироқ ҳар қандай даврда ва жамиятда қонун устуворлигига эришилмас, унинг олдида барча бирдек жавобгарлик ҳис қилмас экан, у ерда демократия, эркинлик тушунчалари ҳам ўз аҳамиятини йўқотади, янгилик ва ўзгаришлар самара бермайди. Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ги қонунга киритилган ўзгартишлар ҳам маҳалла институтининг демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик каби тамойиллар асосида иш юритиб, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ечиш, аҳоли ўртасида жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам тушунчаларини кенг ёйишда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Мазкур органларга қатор ваколатлар берилгани фуқаролар йиғинларининг фаолиятини янада жонлантирди.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан ўтган Обод турмуш йилида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан республикамиздаги 9756 та фуқаролар йиғини(194 таси шаҳарча, 1293 таси қишлоқ, 157 таси овул ва 8112 таси маҳалла фуқаролар йиғини)да прокурор назорати амалга оширилди. Бунда асосий эътибор фуқаролар йиғинлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш билан бир қаторда, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, демократик қадриятларни юксалтириш ишлари самарадорлигига қаратилгани аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолига энг яқин ва ишончли институт сифатида ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида муваффақиятли ишларни амалга ошириб келаётир. Жумладан, улар томонидан ўтган йилнинг 11 ойи давомида моддий ёрдам,14 ёшгача бўлган вояга етмаган фарзандлари ҳамда 2 ёшгача бола парвариши учун нафақа тайинлашни сўраб мурожаат қилган жами 1 044 390 нафар фуқаронинг аризалари кўриб чиқилиб, улардан 983 800 таси (94,2 фоизи) қаноатлантирилгани фикримиз исботидир.

> [2]

ЭЪТИРОФ

## Ноёб тажриба ҳавас ва ҳайратга арзийди

***Ўзбекистон — гўзал диёр. Унинг тароватии иқлимида, одамларининг меҳр-оқибатлигию бой тарихида, анъана ва урф-одатлари, ўхшаши йўқ иморатларида намоён.***

**Юн Ши НЕ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти тадқиқотчиси.**

Мана, 4 йилдирки, бағрикенг шаҳар — Тошкентдаман. Бу тарихий ўлка ҳақида кўп ўқиганман. Ўзбекистонда таҳсил олиш бахтига муяссар бўлганимда ўзбек халқининг ўтмиши, маданий мероси китобларда ўқиганимдан ҳам бойроқ эканига ишонч ҳосил қилдим.

Айниқса, маҳалла, деб аталмиш миллий бошқарув тузилмаси бошқа давлатларда учрамайди. Ўзбеклардаги жамики хислатлар — анъана ва урф-одатлар, ахлоқ меъёрлари, турмуш тарзи, шахслараро муносабат, меҳмондўстлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик айнан маҳаллада шаклланар экан. Одамларнинг қувончу ташвиши шу ерда баҳам кўриларкан. Қисқа таъриф берилганда, уни иккиланмасдан оиланинг катта кўриниши, дейиш мумкин.

Жанубий Кореяда ўзбек маҳаллаларига ўхшаш тизим йўқ. Маъмурий жиҳатдан «Донг» деган кичкина бирлик бўлса-да, у ўзбекларнинг маҳаллалари сингари муҳим вазифаларни бажармайди. Аммо корейс халқида ҳашарга ўхшаш «Пумаши» деган анъана мавжуд. Ўтмишда одамлар деҳқончилик билан шуғулланишган. Ҳосил пайтида бир-бирларига ёрдам беришлари натижасида «Пумаши» пайдо бўлган. Аммо бу одат айрим қишлоқларда сақланиб қолган холос.

Ўзбек маҳаллалари қадимги даврлардан то бугунги кунгача аҳолининг энг асосий ва муҳим гўшаси бўлиб келмоқда. Бутун дунёда ўзбек халқидек ўз миллатининг анъаналари ва урф-одатларини йўқотмасдан, ўзгартирмасдан, уларни янада ривожлантириб келаётган миллат кам. Муҳими, кўп миллатли Ўзбекистонда бошқа элатлар анъаналари ҳам юксак қадрланади. Уларни ривожлантириш, тарғиб қилишга кенг шароитлар яратилган. Ўзга элатларнинг ҳаёти ҳам маҳаллалар билан чамбарчас боғланиб кетган. Бу эса ҳудудларда дўстлик, бирдамлик, меҳр-оқибат туйғуларини кучайтириб келмоқда.

Ўзбек маҳалласига бўлган қизиқишим мазкур йўналишда илмий изланиш олиб боришга ундади. Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида мустақил тадқиқотчи сифатида «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишида маҳалла институтининг ўрни» мавзусида тадқиқот олиб боряпман.

Мухтасар айтганда, ўзбек маҳалласи — оммалаштиришга арзийдиган тажриба. Агар китоб ёзилиб, турли тилларга таржима қилинса, бу тажриба халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилишига ишонаман. Шу боис тизимнинг ўзига хослигини ифода этадиган рисола ёзиш ниятидаман.

МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

## Барваста ва бақувват барчиной қизлар

***Бу қиз даврага тушиб, бел олишмайди. Жуссаси ҳам айтарли йирик эмас. Бир қарашда уни бақувват демайсиз. Аммо 90 кило юкни бели букилмай кўтара олади. Бир алп йигитнинг кучи бор унда.***

***Штангачи Зилола Бўриева Қамаши туманининг «Ўзбекистон» маҳалласида яшайди. Қиз боланинг бу спорт билан шуғулланиши ҳайратланарли. Зил-замбил штангани шунчаки кўтариб кўришга унча-мунча одамнинг юраги дов бермайди. У эса спортнинг мазкур оғир атлетика тури бўйича 2 карра жаҳон, 3 карра Осиё ва 10 карра Ўзбекистон чемпиони.***

> [4]

МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

# Барваста ва бақувват барчиной қизлар



Санобар БОЙМУРОДОВА «Mahalla»

< [1]

— Дадам оғир атлетика бўйича спорт устаси, — дейди Зилола. — Болалигимда шогирдларини уйга олиб келиб, машқ қилдирар эди. Уларни томоша қилиб, менда шу спорт турига ҳавас уйғонган. Дадамга истагимни айтганимда қаршилик билдирмадилар. Аста-секинлик билан штанга кўтаришни ўргана бошладим.

Зилоланинг отаси — олий тоифали мураббий Тоир Фармонов қизининг бу истагини шунчаки қизиқиш, деб ўйлаган эди. Аммо ундаги астойдил интилишни кўриб, ўзи мураббийлик қилди. Дастлаб 20, кейин 30-40 килограммлик штангаларни кўтариб, секин-аста мослаштириб борди.

2007 йилда Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида Зилола Бўриева илк марта иштирокчи сифатида майдонга чиқди ва 45 килограммлик штангани даст кўтариб, олтин медални қўлга киритди. Ўшанда ўзи атиги 32 килограмм оғирликда эди. Бу Зилолага янада куч-қувват бахш этди. Машқларни кучайтириб, кейинги мусобақаларга тайёрланди. Бухорода ўтган Ўзбекистон кубогида 44 килограммлик вазн билан яна чемпионликка эришди. Кетма-кет ғолиблик шоҳсупаларига кўтарилди. Иорданияда ўтган Осиё чемпионатида 53 килограммлик вазн билан 65 килограммлик штангани даст, 85 килограммлигини эса силтаб кўтариб, олтин медални қўлга киритди.

Осиё ва Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ва чемпионликка эришиш ниятидаги Зилола Бўриева айни пайтда Қарши давлат университетида таҳсил олиш билан бирга Олимпия захиралари спорт коллежида мураббийлик ҳам қилмоқда. 30 нафар шогирдига оғир атлетика сир-асрорларини қунт билан ўргатаётир. Унинг шогирдлари ҳам аллақачон дастлабки муваффақиятларни қўлга киритиб улгуришди. Жумладан, Қарши Олимпия захиралари спорт коллежи ўқувчиси Бибиойша Бўриева оғир атлетика бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди. Комила Абдуллаева эса Ўзбекистон ва Осиё чемпионлигини қўлга киритди. Ҳозир уларнинг ҳар иккиси ҳам Ўзбекистон терма жамоаси аъзолигига қабул қилинган. Айни пайтда улар мураббийлари билан бирга шу йилнинг март ойида Таиландда бўладиган Осиё чемпионатига тайёргарлик кўришмоқда.

Яқинда Чирчиқ шаҳрида 1997 йилда туғилган ёшлар ўртасида оғир атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Зилола Бўриева ҳамда отаси Тоир Фармонов 18 нафар шогирдлари билан иштирок этишди. 10 та кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишди.

Гарчи оғир атлетика ўз номига яраша спорт тури бўлсада, унга қизиқувчилар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Улар орасида қиз болаларнинг борлиги кишини қувонтиради. Чунки ҳар қандай спорт тури, энг аввало, кишини чиниқтиради, соғлом ва тетик қилади. Яна бир муҳим жиҳати — барваста, бақувват қизлар келажакда алпомишмонанд авлодни дунёга келтиради.




## «Темир нур» намойиши

***Сингапурдаги қурол-яроғлар кўргазмасида Исроилнинг «Rafael Advanced Defense Systems» компанияси «Темир нур» (Iron Beam) номли ракетага қарши янги лазерли мудофаа мажмуасини намойиш қилди.***



Унинг таркибида икки километр узоқликдаги масофадан ракетани уриб туширишга қодир 2 та лазер қурилмаси, радиолокация станцияси ва бошқарув пости ўрнатилган.

Янги мажмуа кўчма бўлиб, лазер қурилмалари андазадаги юк шассиси устидаги контейнердан жой олган. Тизим исталган шассига кўчирилиши мумкин.

Лазерларнинг қуввати ўнлаб киловаттларни ташкил этади. Бироқ келажакда улар бир неча юз киловаттгача етказилади. Синовлар жараёнида қурилма юқори натижаларни кўрсатган. Уни янада такомиллаштириш устида иш олиб борилмоқда.

## Ойюрар «уйғонди»

***Хитойнинг биринчи ойюрари — «Юйту» («Ой қуёни») яна «уйғонди» ва сигналлар қабул қила бошлади.***



Аммо бир вақтнинг ўзида аппаратни бошқариш авваλгидек тўғриланмай қолмоқда. Шунга қарамай, «Ой қуёни»ни қутқариш имкони бор. Январь ойида унинг фаолиятида механик носозлик келиб чиққан ва ой охирида қурилма «ухлаш» тартибига ўтказилганди. Бунга Ой юзасидаги рельефнинг ўзига хослиги сабаб бўлган, деган тахмин илгари сурилганди.

## Интернет-бозор ёпилди

***Нидерландия ҳуқуқ-тартибот идоралари наркотиклар савдосига ихтисослашган «Utopia» аноним интернет-бозорни ёпишди.***




«PCWorld» нашрининг хабарига кўра, ресурснинг бош саҳифаси .onion яширин домен ҳудудида жойлашган. Эндиликда сайт полиция назорати остига ўтган.

Голланд полицияси вакилининг сўзларига қараганда, «Utopia» каталогидан сотиш тақиқланган моддалар бўйича 13 мингга яқин таклиф илгари сурилган. Уларнинг асосий қисмини героин, каннабис, метамфетамин ва бошқа наркотик моддалар ташкил қилади. Шунингдек, сайт орқали қурол-яроғ ва банк ҳисобларидан ўғирланган маълумотлар ҳам сотилган.

Интернет материаллари асосида **Ф.КОМРОН** тайёрлади.

БОБУРХОНЛИК

# Улуғ шоир ижодига эҳтиром

***Сурхондарё вилояти Денов туманидаги «Қизилжар» маҳалласида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кеча ўтказилди.***

Нигина ШОЕВА «Mahalla»

— Шоирнинг «Бобурнома» асари орқали катта бир тарихни ўрганиш мумкин, — дейди маҳалла раиси Гулойим Мелиқулова. — Айниқса, унинг ғазал ва рубоийлари кишини эзгуликка, меҳр-мурувватга, тинчлик ва дўстликка ундайди. Ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган ижодкор асарлари ўқувчига маънавий озуқа, руҳий далда беради.

Тадбир 53-умумтаълим мактаби, Компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи ва мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлигида ўтказилди. Унда «Қизилжар» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ойтош Раҳмонованинг «Бобурга эҳтиром» мавзусидаги маърузаси тингланди. Моҳинур Меликова, Мухлиса Менгқобилова, Гулшода Ҳамроева, Шаҳло Мардонова, Азизбек Пардаев, Абдуғани Ҳамроев, Бобомурод Бекмуродов сингари маҳалла ёшлари шоирнинг ғазал ва рубоийларидан намуналар ўқишди.




Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур беназир шоир ва олим сифатида жаҳон адабиёти, илм-фани ривожига катта ҳисса қўшган буюк аждодларимиздан биридир. Шу боис юртимиздаги бир қатор маҳаллалар унинг номи билан аталиб, хотираси абадийлаштирилган.

Андижон шаҳридаги Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғинида тўрт минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шу кунларда таваллудининг 531 йиллиги кенг нишонланаётган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган турли учрашувлар, давра суҳбатлари мазкур маҳаллада ҳам уюштирилаётир.

**Суратда:** *йиғин фаоллари навбатдаги ана шундай маънавий-маърифий тадбирга тайёргарлик кўришмоқда.*

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

# Никоҳ ёшига риоя қилинмаса...

САВОЛ:

*—Дугонам қариндошлари қарамоғида яшайди. У ҳозир касб-ҳунар коллежининг биринчи босқичида ўқийди. Яқинда қариндошлари уни узатиш ҳаракатига тушишди.*

*Айтинг-чи, вояга етмаган шахсни турмушга узатиш учун жавобгарлик белгиланадими?*

Наргиза СОЛИҲОВА.
Пастдарғом тумани.

**Ҳуқуқшунос Иззатилла ДАМИНОВ жавоб беради:**

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига асосан, никоҳ ёши эркаклар учун 18, аёллар учун 17 ёш деб белгиланган. Бу тартиб-қоидага риоя қилмаслик никоҳнинг ҳақиқий эмас, деб топилишига олиб келади. Қолаверса, тегишли шахсий ва мулкий оқибатларни келтириб чиқаради.

Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 2013 йилнинг 30 апрелида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, кодекс «Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» деб номланган $47^{3}$-модда билан тўлдирилди. Унга мувофиқ, никоҳ ёшига етмаган шахс билан турмуш қуриш энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни турмуш қурдириш энг кам иш ҳақининг 7 бараваридан 15 бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.

Бундай шахслар никоҳига доир диний маросимни амалга оширганлик учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробаридан 20 баробаригача жарима жорий этилган. Бундан ташқари, айни ҳолат бўйича Жиноят кодексида ҳам тегишли моддалар мавжуд.

# Ҳурматли тадбиркорлар!

*Сизнинг иш фаолиятингизга Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссияларининг рухсатисиз, тегишли ҳужжатларсиз ноқонуний аралашувларга йўл қўйиш, ўз хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳамда бошқа қонунга зид хатти-ҳаракатларга йўл қўйилганда зудлик билан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига қуйидаги ишонч телефонлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.*

| | |
|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси** | **8-371-234-01-09** |
| **Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЁХБ** | **8-361-223-19-86** |
| **Андижон вилояти ИИБ ЁХБ** | **8-374-223-18-96** |
| **Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ** | **8-365-222-82-85** |
| **Жиззах вилояти ИИБ ЁХБ** | **8-372-223-56-10** |
| **Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ** | **8-375-221-14-64** |
| **Навоий вилояти ИИБ ЁХБ** | **8-436-770-25-73** |
| **Наманган вилояти ИИБ ЁХБ** | **8-369-227-31-38** |
| **Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ** | **8-366-233-51-00** |
| **Сурхондарё вилояти ИИБ ЁХБ** | **8-376-223-21-81** |
| **Сирдарё вилояти ИИБ ЁХБ** | **8-367-226-08-58** |
| **Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ** | **8-371-261-64-36** |
| **Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ** | **8-371-234-50-98** |
| **Фарғона вилояти ИИБ ЁХБ** | **8-373-244-68-14** |
| **Хоразм вилояти ИИБ ЁХБ** | **8-362-227-24-11** |

**Изоҳ:** Бугунги кунда Тошкент шаҳрида содир бўлган ёнғинлар тўғрисида хабар бериш учун **«01»** рақами ўрнига **«101»** рақамига қўнғироқ қилиш керак.

Республиканинг бошқа минтақаларида ёнғинлар тўғрисида хабарларни қабул қилиш учун аҳоли пунктларининг телефон тармоқларида ягона рақам **«01»** ўрнатилган.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси**


ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !

ASAKA BANK

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

миллий валютада

«МУСТАҲКАМ ОИЛА»

Сақланиш муддати 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

«ФАРОВОН ТУРМУШ»

Сақланиш муддати 12 ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

хорижий валютада

«ШОДИЁНА» (АҚШ долларида)

Сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фоизлар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)

Сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади

Шу билан биргаликда, «Асака» банкда 80 дан ортиқ омонат турлари жорий этилган бўлиб, бу ҳақдаги маълумотларни банк филиалларидан ёки банк расмий веб-сайтидан (www.asakabank.com) олишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар номи | Телефон рақамлари |
|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 226-97-53 |
| Фарғона вилояти филиали | 373 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 552-61-04 |

| Филиаллар номи | Телефон рақамлари |
|---|---|
| Наманган вилоят филиали | 369 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 226-43-11 |

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

«Асака» банк — сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган



Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: **233-39-89**, Котибият: **233-44-25**, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: **199-84-32**, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: **199-83-46**, Маънавият ва спорт бўлими: **199-84-23**, Факс: **233-10-73**

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Ҳожиева
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров

Таҳририят манзили:
**Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
Индекс: **100083**

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
**Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**

Нашр кўрсаткичи: 148 25265 нусхада чоп этилди. Буюртма J-9159 Топшириш вақти — $21.^{00}$ Топширилди — $21.^{00}$

ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

# Билим, малака ва тажриба мактаби

< [1]

— Ҳар ойда 4 та гуруҳда 25 нафардан жами 100 кишининг малака ошириши кўзда тутилган, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-курслари раҳбари Бойназар Йўлдошев. — Машғулотлар тугагандан сўнг тингловчилар суҳбат ёки тест синовидан ўтадилар. 2014 йилда 900 нафар фуқаролар йиғинлари ходимининг малакасини ошириш мўлжалланмоқда. Узоқдан келадиган тингловчилар учун Қарши давлат университетининг ётоқхонасидан жойлар ҳозирлаб қўйилди.

Машғулотларни олиб бориш учун вилоятдаги олийгоҳларнинг профессор-ўқитувчиларидан ташқари, ички ишлар бошқармаси, адлия, молия, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш бошқармаларининг малакали мутахассислари танлаб олинди. Улардан бир гуруҳи яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясида малака ошириб қайтишди.

Ўқувлар март ойидан бошланади. Дарс жараёнида тингловчиларнинг вазифалари нуқтаи назаридан мавзулар хилма-хиллигига алоҳида эътибор қаратилади. Машғулотларнинг самарадорлигини таъминлаш учун ўқитишнинг замонавий шакл ва услубларидан, илғор педагогик, ахборот-коммуникация ва инновация технологияларидан унумли фойдаланилади.

Хуллас, ўқув-курсларининг ташкил этилиши юртимизда улкан ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда маҳалла институтининг жамият учун таянч ва суянч ҳамда таъсирчан куч сифатида мустаҳкамланишига хизмат қилади.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# Фаолият мувофиқлигида услубий ва амалий кўмак



< [1]

Обод турмуш йилида пойтахтимиздаги 369 та фуқаролар йиғини ўз балансидаги бинога эга бўлди. Бектемир туманидаги Ҳусайн Бойқаро номли, Миробод туманидаги «Оқ уй», «Янги Замон», Ҳамза туманидаги «Гўзал», «Парвоз», Сергели туманидаги «Баҳор», Учтепа туманидаги «Боғистон», «Латифгузар», Чилонзор туманидаги «Яккатут», Шайхонтоҳур туманидаги «Шофайзи», Юнусобод туманидаги «Чинор», Яккасарой туманидаги «Тепа», «Ўрикзор» каби маҳалла идоралари таъмирланди. «Намунали маҳалла» дастури доирасида 14 та янги гузар барпо этилди.

Кенгаш фаолиятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалалари муҳим ўрин тутади. Айниқса, аҳоли ва ёшларнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини янада юксалтириш, ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш Кенгашнинг устувор вазифаси ҳисобланади.

Шунингдек, ёшларни ахборот хуружларидан сақлаш, «оммавий маданият»га қарши курашиш, хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, бандликни таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш каби ишларни амалга оширишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш ҳам Кенгаш зиммасидаги масъулиятли вазифадир.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида фуқаролар йиғинининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориши белгиланган.

Бу борада Кенгаш ишчи органи маҳаллаларга тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар кесимида жадваллар тузиш ва йиғилишни ўтказиш, унинг натижалари юзасидан қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилишга амалий ёрдам беради.

Кенгаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссияларни тасдиқланган намунавий низомлар асосида фаолият юритишларига кўмаклашади.

Кенгашнинг белгиланган вазифаларини амалга оширишда туман ишчи органи асосий бўғин ҳисобланади. Шаҳар ишчи органи томонидан туман ишчи органларида маҳаллаларнинг жамоатчилик комиссиялар ҳақида маълумотлар базасини шакллантириш лозим. Айни пайтда пойтахтимиздаги маҳаллаларнинг комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш борасида аниқ режа асосида иш олиб борилмоқда.

Маҳалла фаолларининг билим ва малакасини ошириш, уларнинг бошқарув кўникмаларини шакллантиришга оид чора-тадбирларга кўмаклашиш ҳам Кенгаш фаолиятининг асосини ташкил этади.

Демак, кенгашлар ишининг тизимли йўлга қўйилиши фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада такомиллаштиради.

ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ

# Вазифалар ижроси сарҳисоби

< [1]

— Ҳисобот даврида фуқаролар йиғинлари томонидан 367 мингдан зиёд оила ўрганилиб, уларда учраётган баъзи муаммолар юзасидан қатъий чоралар кўрилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими бошқаруви раиси Маҳмуд Тоиров. — Натижада 12105 нафар киши иш билан таъминланиб, 3448 та оиладаги низолар бартараф этилди, 8417 та хонадонга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилди.

2013 йилда «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди иш режасида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Фонднинг вилоят бўлими бошқаруви ҳисобидан жами 1 миллиард 211 миллион сўм маблағ сарфланди.

Фонднинг Тошкент шаҳар бўлими бошқарув йиғилишида ҳисобот даврида 203 та болалар майдончаси қурилиб, 514 таси таъмирлангани, 682 таси эса ободонлаштирилгани, ушбу тадбирларга бўлим ва бўлинмалар ҳисобидан 69,7 миллион сўм, ҳомийлар томонидан 320 миллион сўм йўналтирилгани айтиб ўтилди.

— Обод турмуш йилида фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш доимий эътиборимизда бўлди, — дейди Фонднинг Тошкент шаҳар бўлими бош мутахассиси Наврўз Мусаев. — Мавжуд 475 та маҳалла замонавий компьютер жамланмалари, 34 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди. Ушбу мақсадларга 1 миллиард 389 миллион сўм маблағ сарфланди.

Шунингдек, эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронларга моддий ва маънавий кўмаклашиш мақсадида 56 нафар ногирон ҳамда боқувчисини йўқотган талабанинг 168,3 миллион сўмлик ўқув-шартнома пуллари тўлаб берилди. Кам таъминланган оилаларнинг 42 нафар фарзанди соғломлаштириш оромгоҳларида бепул дам олди. Тикувчилик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги 113 нафар муҳтож хотин-қизга тикув машиналари ҳадя этилди.

Йиғилишларда Фонд тузилмаларининг молия хўжалик фаолияти ва бошқа йўналишларига доир масалалар ҳам муҳокама этилди.

Бошқарув йиғилишлари сўнгида тегишли қарорлар қабул қилинди.

*Ўз-ўзини танқид руҳидаги йиғилишлар Навоий ва Тошкент вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.*

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

# Ютуқлар замирида бирдамлик, фидойилик мужассам

***«Тузел» маҳалла фуқаролар йиғини истиқлол билан тенгдош, яъни 1991 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан кўп қаватли уйлардан иборат.***

**Эргаш АЛИМОВ,**
**Тошкент шаҳар Ҳамза тумани «Тузел» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Аҳоли сони 7200 нафардан зиёд. Турли миллат вакилларининг ўзаро аҳиллигидан, бир-бирига меҳр-оқибатидан ҳақли равишда фахрланамиз. Чунки ҳудудимизда амалга оширилаётган ҳар бир иш, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятлар замирида ана шу бирдамлик, қолаверса, фаолларимизнинг фидойилиги мужассам.

Кўп қаватли уйларда яшашнинг афзалликлари билан бирга улардан фойдаланиш ва озода сақлашнинг ўзига яраша масъулияти ҳам бор. Бу борада 9 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан изчил ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Кейинги йилларда кўп қаватли уйлардаги мавжуд 192 та йўлаклар таъмирланиб, уларга темир эшиклар ўрнатилди. Эндиликда уларнинг деразалари замонавий пластик ромларга алмаштирилаётир.

Таъкидлаш жоизки, ҳар ҳафтанинг шанба куни маҳалламизда озодалик ҳамда коммунал тўловларни амалга ошириш куни, деб эълон қилинган. Унинг доирасида уйларнинг кириш қисми олдида, зиналарда, ертўла ва чордоқларда ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Бу ишларда маҳалламизнинг етти яшаридан етмиш яшаригача, барча фаол қатнашиб, атроф-муҳит саранжом-саришталигига муносиб ҳисса қўшмоқда. Фуқаролар шу куни йиғин биносида ташкил этилган «Коммунал тўловлар штаби»га ташриф буюриб, иссиқ ва совуқ сув, табиий газ, электр энергияси ва бошқа хизматлар учун тўловларни амалга оширадилар. Бунинг учун ушбу идоралар вакиллари — назоратчиларга етарли шароит яратиб берганмиз.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Ҳудудимизда 1 та умумтаълим, 1 та мусиқа ва санъат мактаби, шунингдек, хотин-қизлар коллежи жойлашган. Ёшларга оид давлат сиёсатини юритиш, вояга етмаганлар билан ишлашни «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик концепцияси асосида олиб боряпмиз. Шунингдек, «Оталар университети» ҳамда йиғин ҳузуридаги комиссиялар фаолиятини жонлантиришда асосан тажрибали педагоглар, зиёлилар мададига таянамиз.

Соғлом бола йилида фуқаролар йиғини томонидан фаоллар ҳамда ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари кўмагида қатор хайрли ишларни режалаштирганмиз. Хусусан, мавжуд 6 та болалар майдончасидаги шароитлар қайтадан кўриб чиқилади, ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни турли тўгаракларга жалб этиш бўйича аниқ манзилли тадбирлар белгиланган.

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

# Қонун устуворлиги — асосий мезон

< [1]

Қаноатлантирилган мурожаатлар бўйича 978 млрд. 964 млн. сўм нафақа ва моддий ёрдам пули тайинланиб тўлаб берилгани энг халқчил идоранинг нафақат фуқаролар ҳаётидаги кундалик муаммоларини ҳал этишга кўмаклашувчи, балки ҳар томонлама, тизимли, таркибий жиҳатдан шаклланган, юқори самарага эга бўлган, кенг халқ оммасининг давлатни, жамиятни бошқаришда эркин, беғараз, ихтиёрий иштирок этишини таъминловчи фуқаролик жамияти институтига айланганидан далолатдир.

Шуниси афсусланарлики, назорат тадбирларида айрим фуқаролар йиғинларида аҳвол қониқарли эмаслиги ойдинлашди. Бундай йиғинлар мутасаддилари томонидан фуқароларнинг моддий ёрдам ва нафақа тайинлашни сўраб қилган мурожаатларини кўриб чиқиш, тайинлаш ва тўлаш жараёнида соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси тўлиқ таъминланмасдан, кўплаб қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди.

Жумладан, текширувларда Жиззах туманидаги «Учқиз-Янгиқишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия хулосаларига таяниб, мансабдор шахслар жами 67 млн. сўмлик нафақаларни ноқонуний тайинлаб, шундан 28 миллион сўм давлат маблағини талон-торож қилишгани аниқланди.

Бекобод туманидаги Бобур Мирзо номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги тегишли комиссия аъзоларининг кирдикорлари ҳам назорат тадбирларида ошкор бўлди. Улар 48 нафар шахсга ҳеч қандай ҳужжатларсиз нафақа тайинлаб, давлат бюджетига 27 миллион сўм зарар етказишган.

Маҳалла — азал-азалдан меҳр-оқибат маскани. Бу ерда эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, ногирон ва етим-есирларнинг бошини силашдек савобли ишлар бутун жамоа билан бирга амалга оширилади. Бу эса ўсиб келаётган фарзандларга ибрат бўлиб, уларнинг қалбида инсонпарварлик, меҳр-оқибат, туғилиб ўсган масканга ҳурмат туйғуларини ҳам камол топтиради. Таассуфки, халқ ишончини суиистеъмол қилган бундай шахслар қилмиши муқаддас масканга ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас. Шу боис ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорларга жазо тайинланди.

Демократик тараққиёт йўлига тўсиқ бўладиган иллатлар бисёр. Хусусан, уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик улардан бири. Текширувларда айрим маҳалла идораларида айнан ушбу иллатнинг авж олгани аниқланди. Халқ ишонч билдирган раҳбарлар — фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг айрим мансабдор шахслари таниш-билишчилик, маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик асосида нафақа ва моддий ёрдам пулини ноқонуний тайинлаб, давлат ғазнасига катта зиён келтиришган.

Поп туманидаги «Тепақўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Э.Болтаев йиғин масъул котиби И.Қурбанов билан жиноий тил бириктириб, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлмаган қариндошларига 3,4 миллион сўм нафақа пулини тўлаган ҳамда ночорлар ҳақига уялмай чанг солган.

Текширувларда аниқланган баъзи ҳолатлар кишини ўйга толдиради. Яъни айрим фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини шу даражада суиистеъмол қилишганки, ҳатто тегишли комиссиялар қарорисиз ҳам нафақа тайинлаш ҳолатларига йўл қўйилган. Ваҳоланки, бу борада муайян қонун-қоидалар, мезонлар мавжуд. Улар асосида иш юритиш эса маблағларнинг аниқ ва манзилли сарфланишини таъминлайди.

Касби туманидаги Мўғлон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси М.Муқимова ҳамда масъул котиб Б.Жумаевлар нафақа сўраб мурожаат этмаган ҳамда моддий аҳволи текширилмаган 12 нафар шахсга 4,7 млн. сўм нафақа пулини «ҳадя этганлар».

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нафақалар тайинлашга оид ваколатларнинг берилиши замирида жуда катта асос бор. Маҳалла кишининг яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам елкадош. У ерда барча бир-бировини яхши танийди. Хонадонлардаги ижтимоий-маънавий муҳит ҳам фаоллар назаридан четда эмас. Айнан шу хусусиятлар боис нафақаларни тайинлашда бошқа бирор ташкилот ёки муассаса маҳаллачалик одилона хулосага таянмайди. Аммо давлатимизнинг ушбу ишончини оқламай, ўзбошимчалик билан иш тутган бу каби раисларнинг қилмишини қандай баҳолаш мумкин?

Муборак туманидаги К.Шониёзов номли маҳаллада яшовчи фуқаро О.Қурбонова тумандаги 32-сонли мактабда ишлаб, комиссияга иш ҳақи тўғрисида сохта маълумот тақдим этган ҳамда жами 1,5 миллион сўм нафақани — давлат маблағини ўзлаштирган.

Ушбу ҳолатга йиғин мутасаддилари, тегишли комиссия аъзоларининг эътиборсизлиги сабаб бўлган. Баъзи йиғинларда эса нафақа сўраб тушган аризаларни кўриб чиқмаслик ёки ноқонуний равишда рад этиш ҳолатлари ҳам кузатилди.

Шовот туманидаги «Асавей» маҳалла фуқаролар йиғини томонидан фуқаролардан келиб тушган 3 та, «Оқ олтин» маҳалла фуқаролар йиғинида 5 та, «Ижтимоият» ва «Чиғатой» маҳаллаларида 8 тадан мурожаатлар кўриб чиқилмасдан, натижалари ҳақида муаллифларга ёзма хабар қилинмагани учун маҳалла раислари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддаси талаблари асосида маъмурий жавобгарликка тортилишди.

Ваколатларнинг кенгайтирилганидан кўзланган мақсад, бу, шубҳасиз, эл-юрт манфаатларини назарда тутади. Текширувларда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун талаблари бажарилмасдан келинаётгани давлатимиз сиёсатига тамомила зиддир.

Хусусан, Қашқадарё вилоятида 25 та, Сурхондарёда 20 та фуқаролар йиғини ҳамда уларнинг кенгашлари белгиланган ваколатлардан фойдаланмасдан, фаолиятига доир йиғилишлар ўтказмаган ҳамда тегишли қарорлар қабул қилмаган. Шунингдек, ушбу вилоятлардаги жами 51 та фуқаролар йиғинида ҳатто фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ташкил этилмаган. Уларда фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг ҳисоботларини қонуннинг 11-, 12-моддасига асосан йилнинг ҳар чорагида эшитиб борилиши ҳам таъминланмаган. Қонуннинг 18-моддаси талабларидан келиб чиқиб, 37 та маҳалла фуқаролар йиғинида Тафтиш комиссиялари тузилмаган.

Жумладан, Қашқадарё вилоятидаги 20 та ва Сурхондарёдаги 17 та маҳалла фуқаролар йиғинларида мазкур комиссия фаолияти йўлга қўйилмаган. Бундай масъулиятсизлик, йиғинларнинг умуман ишламагани ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг издан чиқишига, турли норозилик кайфиятлари ва тушунмовчиликларнинг келиб чиқишига шароит яратади.

Бундан ташқари, айрим маҳаллаларда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелидаги 180-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари тўғрисидаги» Низомнинг 16- ва 17-моддаларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, посбонлар фаолияти самарали ташкил этилмаганлиги кузатилди.

Шўрчи туманидаги «Далварзин-1» маҳалла посбонлари томонидан ҳудудда паспорт режимига амал қилиниши ҳамда тарбияси оғир вояга етмаганлар билан профилактик тадбирларни олиб боришда ички ишлар органларига кўмаклашилмаган. Шунга ўхшаш камчиликлар Сурхондарёдаги 26 та, Қашқадарёдаги 23 та ҳамда Жиззахдаги 9 та, республика бўйича жами 58 та фуқаролар йиғинида аниқланган.

Айрим фуқаролар йиғинларининг мансабдор шахслари посбонлар фаолиятини назорат қилиш ўрнига уларга берилаётган иш ҳақини ўзлаштириб, талон-торож қилгани ҳам текширувлар чоғида ойдинлашди. Хусусан, Юнусобод туманидаги «Обод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ш.Ибрагимов посбонлар сардори вазифасида аслида ишламаган А.Мухаммедовга жами 11 млн. сўм иш ҳақи ҳисоблаб, бюджет маблағини ўзлаштирган. Ушбу ҳолат бўйича Ш.Ибрагимовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Прокуратура органлари томонидан ўтган йили «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан олиб борилган назорат тадбирлари давомида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 8548 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш тўғрисида 1843 та протест келтирилди. Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 1261 та тақдимнома киритилди, 1371 нафар шахс қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди, 5099 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди ва 1425,5 млн. сўм зарарни ундириш юзасидан судларга 471 та ариза киритилди. 7928 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шунингдек, жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 317 та жиноят иши қўзғатилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Юртбошимиз ташаббуслари билан фуқаролик жамияти институтлари ичида энг қадимий ва ноёб, узоқ тарихий илдизга эга бўлган маҳалла институтининг нуфузини кўтаришга нафақат иқтисодий, ижтимоий, балки сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масала сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, маҳалла — халқ виждони. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг тўлақонли амалга оширилиши бизни кўзланган аниқ мақсадлар сари яқинлаштиради. Шундай экан, миллий ва энг демократик институтнинг тараққиёти учун ҳаракат қилиш, ташаббускорлик ва фидойилик кўрсатиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА

# Барча бир-бирига меҳрибон, қардош



ЎзА сурати.

< [1]

Бундай кунда ҳамқишлоқларимиз бир-бириникида худди туғишган қариндошлар сингари бел боғлаб хизматда бўладилар.

Дарвоқе, узун кўйлак кийиб юрган туркман аёлию бошига намат қалпоғини қўндирган қозоқ биродарларимиз билан диллашмоқни истаган киши бу ерга ташриф буюриб янглишмайди. Қишлоқда рус, татар, чуваш, морин, молдован, бошқирд ва корейс миллати вакиллари бир-биридан қиз олиб, қиз бериб иноқликда яшашади.

— Миллатим — корейс, — дейди Фльора Ню. — Турмуш ўртоғим Турсунбой Ражабов — ўзбек. Меҳр-муҳаббат билан оила қуриб, фарзандларимизни оқ ювиб, оқ тараб камолга етказмоқдамиз.

Элбой оға Авезов эса — туркман. У — ўзбекларнинг суюкли куёви. Турмуш ўртоғи Гулора Худойберганова икки миллат вакилларининг қуда-андачиликда янада яқинлашиб, қадрдонлашиб бораётганидан мамнунлигини изҳор қилди. Яқинда молдован қизи Олга Камолова ҳам ўзбек хонадонига келин бўлиб тушди.

— Қишлоқда жойлашган Гурлан тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи ва умумтаълим мактабларида турли миллат вакилларининг фарзандлари таълим олишади. Ўқув муассасаларида ўтказиладиган байрам тадбирларида улар ўзларининг миллий чиқишларини намойиш қиладилар, — дейди туркман қизи Жаннат Давлатова. — Мен ўқиётган коллежда яқинда «Миллатлараро тотувлик — тинчлик, барқарорлик гарови» шиори остида катта анжуман бўлиб ўтди. Унда қишлоғимизда яшаётган турли миллатга мансуб ёшлар ўз анъана ва урф-одатларини намойиш қилишиб, миллий куй-қўшиқ ва рақсларини ижро этдилар.

Гурланлик тарихчи Умид Бекмуҳаммаднинг таъкидлашича, қишлоқда истиқомат қилаётган ҳар бир миллатнинг ўз тарихи, залворли кечмиши бор. Ўтган асрнинг 30-йилларида Узоқ Шарқдан мажбуран кўчирилган корейслар Гурланга келиб, ўзларининг меҳнатсевар, тиришқоқлиги билан маҳаллий аҳоли меҳрини қозонган. Улар қисқа муддатда шоличиликнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшганлар. Гулистонлик корейс миришкорлари орасидан давлат мукофотига сазовор бўлган таниқли меҳнат фахрийлари талайгина. Бундай инсонларни татар, рус ва қорақалпоқ вакиллари орасида ҳам учратиш мумкин.

Ҳа, юртимизнинг қай гўшасига борманг, меҳмоннавозлик, бағрикенглик намуналарига дуч келасиз. Турли миллатга мансуб кишиларнинг тотувликда яшаши — давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг натижасидир. Зеро, жамиятда бағрикенглик тамойиллари устувор бўлсагина барча ўзини бахтли ҳис этади, турмуш фаровон бўлади.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Имтиёзли кредит имконияти

*ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ва янги иш ўрнининг кўпайишида муҳим омил бўлмоқда*







***Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида аҳоли даромади, турмуш даражаси йил сайин ортиб бормоқда. Иқтисодиётнинг асосий таянчига айланган кичик бизнесни тараққий эттириш, истиқболли соҳаларни ҳар томонлама молиявий қўллаб-қувватлашда «Ориент Финанс» банки томонидан салмоқли ишлар бажарилгани эътирофга лойиқ.***

**Мафтуна АҲМЕДОВА.**

«Ориент Финанс» банки ташкил этилганига кўп вақт бўлмади, аммо у қисқа муддатда мамлакат молия тизимида ўзининг мустаҳкам ўрнини топиб, нуфузи ортди. Шунингдек, республикада кечаётган иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этаётир.

**Зоир Абдуллаев, «Zaminteks iplik» МЧЖ раҳбари:**

— Корхонамиз гилам тўқиш учун ишлатилаётган текстураланган синтетика ипларини ишлаб чиқармоқда. «Ориент Финанс» банкининг Чилонзор филиали томонидан ажратилган кредит маблағлари ҳисобига янги дастгоҳ сотиб олиб, фаолиятимизни кенгайтирдик. Корхонамизда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига пул маблағлари айланмаси ортди, ўтган йили 15 дан ортиқ иш жойи ташкил этилди.

Молиявий кўмак бергани учун «Ориент Финанс» банкининг Чилонзор филиалига ўз миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз. Бу банкда кредитлаш механизми тизимли йўлга қўйилгани, кредитлар максимал тезлик билан кўриб чиқарилиши мижозлар учун жуда қулайдир.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор имтиёз ва енгилликлар яратилган. Мана шундай имтиёзларнинг биридан Амалиёт бошқармасининг мижози — «Мўмин Ширин бизнес» корхонаси ҳам фойдаланди. У банкдан имтиёзли кредит олиб, ўз фаолиятини янада кенгайтирди.

**«Мўмин Ширин бизнес» МЧЖ корхонаси раҳбари Шукурулло Убайдуллаев бу ҳақда шундай дейди:**

— Имтиёзли кредитни олишда ҳеч қандай қийинчиликка учрамадик, банк ходимларига керакли ҳужжатлар тўпламини топширганимиздан сўнг 1 кун ичида маблағ ажратилди. Кредит маблағини туникали (оциновкали) профнастил ишлаб чиқаришга мўлжалланган дастгоҳ сотиб олишга йўналтирдик. Корхонамизда бу соҳани ташкил этиш муносабати билан қўшимча 4 та иш ўрни яратилди. Корхонамиз мамлакатимиз аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилашга, қурилиш ташкилотларини сифатли ва замонавий хомашё билан таъминлашга кўмаклашаётир. Бу эса Президентимиз ташаббуслари билан қишлоқ жойларда уй-жойларни замон талаблари асосида қуриш ва аҳоли турмуш маданиятини оширишга оид чора-тадбирларнинг амалдаги ифодасидир. Бошлаган ишимиз билан мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Кичик бизнеснинг ривожи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар кўламини ҳам кенгайтирди. Бозор иқтисодиётининг тамойилларидан бири ҳам кучли рақобатдир аслида. Ҳалол, изланувчан, ишбилармон тадбиркор учун соғлом рақобат фақат интилиш ва янги мақсадлар беради. Асосийси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатли ва ҳамёнбоп бўлса, албатта, ўз харидорини топади. «Мўмин Ширин бизнес» МЧЖ корхонаси маҳсулотига мижозлар эътибори тушган, доимий харидорларига эга.

«Ориент Финанс» банки фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Зеро, молия муассасаси ходимлари эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш билан бирга, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва янгиларини жорий этиш, мижозлар сафини кенгайтириш, молия институти капиталини янада кўпайтириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, «Ориент Финанс» банки мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиб, юртдошларимиз турмуш фаровонлиги йўлида хизматлар кўламини янада кенгайтириш учун доимий изланишдадир.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

# Ижтимоий-маънавий муҳит соғлом ва барқарор

< [1]

— Йиғин сардори билан ҳамкорликда самарали ишларни амалга оширяпмиз,— дейди профилактика нозири Камол Бекназаров. — Ҳудудимизда 6 та нотинч оила мавжуд бўлиб, улар доимий назоратда. Гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилувчи 2 нафар фуқаро ҳамда адашиб диний экстремистлар гуруҳига кириб қолган, бугунги кунда авф этилган бир нафар фуқаро билан мунтазам равишда профилактик тадбирлар олиб боряпмиз. Бундан ташқари, сардор ўз ишига ўта масъулият ва сидқидилдан ёндашиб, маҳалланинг тинчлиги, аҳолининг осойишталигини таъминлашда ўрнак бўлаётир.

Қувондиқ Эвалиев иш режасини пухта тузган. Шунингдек, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг навбатчилик жадвали шакллантирилган. Унда мавжуд ҳолат махсус дафтарга ёзиб борилади. Қ.Эвалиев ҳар куни посбонлар билан бу қайдларни таҳлил қилиб, керакли маълумотлар ҳақида йиғин раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия раиси ҳамда профилактика инспекторини хабардор қилади.

— Йиғин фаоллари билан ҳамфикр ва бамаслаҳат ишлашимиз натижаси эришаётган муваффақиятларимизда намоён, — дейди Қ.Эвалиев. — Соғлом ижтимоий-маънавий муҳит яратиш, айниқса, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб боришга кенг жамоатчиликни жалб этганмиз. Бунда асосан ҳудудимиздаги таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаси ходимлари ҳамкорлигига таянамиз. Қолаверса, диний идора вакиллари, маҳаллада ҳар жиҳатдан намуна бўла оладиган оилалар, кўпни кўрган отахону онахонлар, отинойилар иштирокида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, вояга етмаган ўғил-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил қилиш ҳамда бошқа долзарб масалалар юзасидан давра суҳбатлари, учрашувлар уюштириб келяпмиз.

Сардор йиллар мобайнида орттирган малакаси, иш тажрибаларини ҳамкасблари билан ўртоқлашишдан эринмайди. Унинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Ховос тумани бўлинмаси ҳамда туман ички ишлар бўлими томонидан бир неча бор муносиб эътироф этилган.

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ

# Холислик ва адолат — бирламчи тамойиллар

***Марғуба болаликдан ногирон қизи Маҳбубани даволатиш учун ёрдам сўраб, маҳалла фуқаролар йиғинига чиқди. У ерда имкон қадар кўмак беришса-да, лекин бу маблағ етарли даражада эмас эди.***

**Фарҳод ҚОДИРОВ**
**«Mahalla»**



Шунда фаоллар банкда алоҳида ҳисоб-рақам очишни маслаҳат бердилар. Иш ҳал бўлдию унга ҳомий ва саховатпеша инсонларни жалб этиш осон кечмади. Она бир қанча идоралар эшигини қоқди. Унинг аризаси «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Наманган вилояти бўлимигача етиб келди.

Юртимизда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан мустаҳкамланган. Айниқса, уларнинг ҳар қандай мурожаати, у хоҳ оғзаки бўлсин, хоҳ ёзма, албатта, муддатида кўриб чиқилиб, холис ва адолатли қарор қабул қилиниши шарт. Фонднинг вилоят бўлими томонидан тузилган ишчи гуруҳи Уйчи туманидаги Ўнҳаят шаҳарча фуқаролар йиғинидаги Ш.Хўжабердиев номли маҳалладан тушган мазкур аризани жойига чиқиб ўргандилар. Натижада М.Исроилованинг банкдаги махсус ҳисоб-рақамига ёрдам пуллари келиб туша бошлади. Жумладан, ўтган 2012-2013 йиллар давомида Фонд тузилмаларидан жами 2,5 миллион сўм миқдорида маблағ ўтказиб берилди. Улар сафига бошқа ҳомийлар ҳам қўшилаётир.

— Бугунги кунда Фонднинг вилоят бўлимида қайд этилаётган фуқаролар мурожаатларининг аксарияти худди шу каби масалаларни қамраб олмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими масъул котиби Мирзоҳид Дадабоев. — Келаётган хат, ариза ва шикоятлар мазкур йўналишни тартибга солувчи қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар доирасида, белгиланган муддатларда кўриб чиқилаётир.

Хусусан, ўтган йил давомида бўлимимизга жойлардан ижтимоий-иқтисодий ёрдам сўраб ва бошқа масалалар бўйича 451 та ариза тушди. Улар асосида 357 нафар фуқарога 143 миллион 190 минг сўм миқдорида моддий кўмак берилди. Қолаверса, ҳар бир ариза фуқаролар йиғинида алоҳида ҳисобга олиниб, уларда кўтарилган муаммолар имкон қадар ҳал этилмоқда. Бундан ташқари, турли байрамлар арафасида амалга оширилаётган хайр-саховат тадбирларида ҳам ана шундай эҳтиёжмандларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилаётир.

Таъкидлаш жоизки, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтилаётган ҳозирги даврда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаатлар ҳам кўпаймоқда. Бу, албатта, одамларнинг маҳалла институтига бўлган ишончи тобора ортаётганининг амалий ифодасидир. Шу боис тизим ходимлари фаолиятлари давомида барча мурожаатга чуқур ёндашишга, уларда кўтарилган масалаларга холис ва одилона ечим топишга интилишмоқда. Зеро, ҳар бир ариза ёки шикоят ортида инсон тақдири, унинг орзу-умидлари, илинжи турганлигини ҳеч қачон ёддан чиқмаслик зарур.

НАВОИЙ ТОМОНЛАРДА

# Янги бино қулай ва кўркам

***Кармана туманидаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини ўзининг янги биносига эга бўлди.***

Бу ерда ходимлар учун барча шарт-шароитларга эга хоналар билан бирга маърифат хонаси ва мажлислар зали ҳам мавжуд. Шунингдек, маҳалла марказида новвойхона, гўзаллик салони, дорихона ва пойабзал таъмирлаш устахонаси ҳам иш бошлади.

— Маҳалламизда болалар майдончаси ва мини футбол ўйингоҳи ҳам барпо этилди, — дейди йиғин раиси Равшан Одилов. — Бу ҳудудимиздаги намунавий лойиҳа асосида қурилган шинам уй-жойларга мос бунёдкорлик бўлди.

# Цех фаолият бошлади

***Қизилтепа туманидаги Хўжа Ҳасан номли қишлоқ фуқаролар йиғини марказида «Зарметан биосервис» савдо фирмаси томонидан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи фаолият бошлади.***



Қўшимча иш ўринлари яратилишига йўл очган цехда кунига 500-600 донагача қолипли нон ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказилмоқда.

— Яқин кунларда янги ускуналар олиб келиб, қандолат маҳсулотлари тайёрлашни ҳам йўлга қўямиз, — дейди цех бошлиғи Даврон Омонов. — Бу маҳалладошларимиз учун янги иш ўринлари очилади, деганидир.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА

# Дарё ва сой қирғоқлари мустаҳкам

***Қиш мавсумининг қорли келиши мўл ҳосил, тўкин-сочинликдан нишонадир. Бундан деҳқону чорвадорларнинг хотири жам. Чунки қор кўкламнинг сернам, ёзда сувнинг сероб бўлишига замин.***

**Бек НАЗАР**
**«Mahalla»**



Бироқ тоғ ва тоғолди ҳудудларида қор кўчиши, об-ҳавонинг бирданига исиши натижасида сел ва тошқинлар ҳосил бўлиш хавфи юзага келади. Шу боис Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Жиззах вилояти бошқармаси томонидан сел тошқинлари, ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудларни ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Маҳаллий давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда вилоятнинг сел тошқинлари хавфи бўлган тоғли ҳудудларидаги дарё ва сойларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш, ўзанларини тозалаш, техник-муҳандислик ва ҳимоя тадбирлари олиб борилмоқда.

Жумладан, Сангзор дарёсининг Бахмал тумани Чайиш қишлоғи ҳудудидан ўтган қисмида қирғоқни мустаҳкамлаш ва ўзанни тўғрилаш учун 10,3 минг куб метр тупроқ, 435,5 куб метрдан кўпроқ бетонлаш ишлари бажарилди. Дарёнинг Ғаллаорол туманидаги Жарғоқ, Заргар қишлоқлари ҳудудларидан ўтган қисмларида қирғоқ ва ўзанни таъмирлаш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Ушбу тумандаги Қоронғулсойнинг сел йўли ва дамбасини мустаҳкамлаш учун 14,3 минг куб тупроқ тўкилиб, Эрганакли қишлоғига сел келиш хавфи бартараф этилди.

Шундай тадбирлар Жиззах тумани Увобсой, Равот, Паймарт, Кўрпасой, Ардахшон, Жиллиғулли қишлоқларида ва «Бунёд» маҳалла фуқаролар йиғинида, Зомин туманидаги Аччи, Сегисари ва Оқтош, Фориш туманидаги Сафар ота ва Ухум, Янгиобод туманидаги Юқори Сармич, Баландчақир қишлоқларида ҳам амалга оширилди.

Тоғли ҳудудлардаги қишлоқларнинг кўпчилиги сув манбаларига яқин, деҳқончилик учун қулай сойлар атрофида жойлашган. Айрим жойларда уй ва бошқа хўжалик иншоотларини сув йўллари яқинига қуриш ҳоллари ҳам учрайди. Бу эса аксарият ҳолларда жиддий ноқулайлик, хатарли оқибатларга олиб келиши ҳар доим ҳам ҳисобга олинавермайди.

2013-2014 йилнинг қиш-баҳор ойларида аҳоли ва ҳудудларни хавфли гидрометереологик ва геологик ҳодисалардан ўз вақтида ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Тошқинга қарши Ҳукумат комиссиясининг вилоят бўлими томонидан жойлардаги вазият ўрганиб чиқилиб, зарурий режалар тузилди. Унга кўра, Фориш туманининг қор кўчиши ва сел хавфи мавжуд бўлган Сафар ота ва Ухум қишлоқларидаги сой ўзани ҳамда сел йўллари созланиб, сув тошқинларининг аҳоли манзили учун бехатарлиги таъминланди.

— Саъй-ҳаракатлар натижасида ушбу қишлоқлардан тўртта хонадон хавфсиз ҳудудларга кўчирилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фориш тумани бўлинмаси раиси Шавкат Эшонқулов. — Уларга ўз вақтида уй-жой қуриш учун ер майдонлари ажратилиб, туман ҳокимлиги, фуқаролар йиғинлари томонидан уйларни тиклаш ва ободонлаштириш ишларида амалий ёрдам кўрсатилди. Шу боис улар уй-жойларини тезда битказиб олишди. Қолаверса, аҳоли ўртасида уй-жой ва бошқа хўжалик биноларини қор кўчкиси, сел келиш хавфи мавжуд ҳудудларга яқин қурмаслик, иншоотни барпо этишда мутасадди ташкилотларнинг хулоса ва рухсатини олиш зарурлиги йиғин фаоллари томонидан кенг тушунтирилаётир.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ишлари биргина Форишда эмас, балки бошқа туманларда ҳам кенг кўламда олиб бориляпти. Боиси, яқин ўтмишда аксарият тоғолди қишлоқларда тураржойларни барпо этишда маъқул келган жойга, заминнинг сейсмологик фаоллиги, сел хавфлари ҳисобга олинмаган ҳолда қурилган. Эндиликда туман меъморчилик бўлимининг кўрсатмасига биноан уй-жой қурувчилар лойиҳалар, қурилиш материаллари ҳисобга олинган смета ҳужжатлари билан таъминланиб, жараён вилоят қурилиш ва архитектура бошқармаси томонидан назорат қилиб борилмоқда.